

## УСМОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА “ШАЙХУЛ ИСЛОМ” ЛАВОЗИМИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

**Муҳибуллаев Саидмуҳаммадхон**

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Исломшунослик ва ислом сивилизациясини

Ўрганиш ИСЕССО кафедраси 2-босқич

таянч докторанти, Хожа Бухорий ўрта махсусу

ислом билим юрти ўқитувчиси

[muhibullayevs@mail.com](mailto:muhibullayevs@mail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада усмонийлар асл келиб чиқиши, уларнинг усмонийлар деб номланишининг сабаби, давлат даражасига чиқиши, Султон Усмон даврида “Қозил қузот” ва “Аскар қозиси” лавозимлари вазифаси, Султон Мурад II даврида эса “Машихатул ислом” ва “Шайхул ислом” идора ва лавозимларини ташкил қилиниши, бу лавозимларнинг ташкил қилиниши омиллари ва бошқа шу каби масалалар баён қилинади.

Шайхул ислом лавозимида хизмат қилган илк шайх ва энг сўнги шайх ҳамда унинг вакили, бундан ташқари “Машихатул ислом” идораси неча йил давом этгани ва нечта шайхул ислом фаолият олиб боргани келтириб ўтилади.

**Калит сўзлар:** “Машихатул ислом” ва “Шайхул ислом”, “Қозул қузот”, “Аскар қозиси”, Шайх Фаннорий, Усмонлий, Ўғуз.

## ПОЛОЖЕНИЕ "ШЕЙХУЛЬ ИСЛАМ" В ОСМАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕ И ЕГО ОСНОВНЫЕ ОБЯЗАННОСТИ

**Аннотация:** В этой статье описаны первоначальное происхождение османов, причина, по которой их называли османами, их восхождение на государственный уровень, обязанности должностей «Казил Кузат» и «Солдатский судья» во время правления султана Османа и «Машихатул Ислам» и «Шейхуль Ислам» в период правления султана Мурада II и организация позиций, факторы организации этих позиций и другие подобные вопросы.

Упомянутся первый и последний шейх, служивший в должности шейхуль-ислама и его представителя, а также сколько лет просуществовала должность «Машихатуль-ислам» и сколько шейхуль-исламов действовало.

**Ключевые слова:** «Машихатул Ислам» и «Шейхул Ислам», «Казул Кузот», «Солдатский Судья», Шейх Фаннори, Османлы, Оғуз.

## THE POSITION OF "SHEIKHUL ISLAM" IN THE OTTOMAN STATE AND ITS MAIN DUTIES

**Abstract:** *In this article, the original origin of the Ottomans, the reason they were called Ottomans, their rise to the state level, the duties of the positions of "Qazil Kuzat" and "Soldier Judge" during the reign of Sultan Osman, and "Mashikhatul Islam" and "Sheikhul Islam" during the reign of Sultan Murad II and organization of positions, factors of organization of these positions and other similar issues are described.*

**Key words:** *"Mashikhatul Islam" and "Shaykhul Islam", "Qazul Kuzot", "Soldier Judge", Sheikh Fannori, Osmanli, Oguz.*

### Кириш

Ҳар бир давлатнинг сиёсий ва диний ишларида муҳим ўринга эга идора ва шу идора ваколатига кирувчи лавозимлари ҳамда мансаблари бўлган. Шулар орқали давлатнинг ривожини, равангига учун хизмат қилинган. Халқнинг дарди, уларнинг муоммаларини ҳал қилиб берилган. Аскарлар ичидаги сиёсий ва диний ишлар кўриб турилган. Шулар қаторида биз ўрганмоқчи бўлган “Машихатул ислом” ва “Шайхул ислом” кабилардир.

### Асосий қисм

Усмоний давлатининг сиёсий низомида акс этган “Машихатул ислом” муассасаси ва бунинг остига кирувчи “Шайхул ислом” мансаби ушбу давлатнинг асосий низоми бўлиб, булар орқали давлатнинг расмий ва диний ишлари бошқарилган. Бу муассаса давлатни бир мувоффақиятдан бошқасига олиб чиққан. Яъни давлатнинг турли муоммоларини ҳал қилувчи бўлган.

Усманийлар ҳақида қисқача танишадиган бўлсак, аслида турклар яъни усмонийлар, Туркистон ўлкасида яшовчиларга нисбат бериладиган, ( اوغوز ) Ўғузларнинг (қабила номи Ўғиз, Оғей бўлган) аслига бориб тақалади[1]. Баъзи манбаларда Усманийларнинг асли келиб чиқиши Туркистон томонлардан бўлган мусулмонлар бўлиб, улар Ғаз (ёки Қой) қабилаларига мансубдирлар. Уларнинг қабиласи Қобих деб аталган. Муғуллар уларнинг юртига бостириб кирганда боболари Сулаймоншоҳ ибн Қиёалп ўз қабиласи билан Рум ерларига кўчиб кетади, сўнг Шом ва Ироққа ўтади. Қайтиб келаётганида эса Фурот дарёсига чўкиб кетади. Қабила шу тариқа тарқалиб кетади. Қолганларнинг бир қисми асл ватанига қайтади. Эртўғрул ибн Сулаймон бошчилигидаги бир гуруҳ кишилар эса Онадўлининг шимолига йўл олишади. 400 нафар туркман оиласи у билан бирга эди[1:306.307]. Аслида ислом бу қабилага хижрий 29 йил, милодий 669 йилда учинчи халифа Усмон (ибн Аффон) розияллоҳу анҳу даврида кириб

келган. Ушбу уруғ ижтимоий ҳаёти бадавий (саҳровий халқ) жамият бўлиб, кўчманчи ва чорвадор тарзида яшаб келган. Ислонни қабул қилиш билан бирга уларнинг аксар қисми ўзига доимий бир ватан тутиш ва ривожланишга ҳаракат қила бошлади. Бу иш аббосий халифалиги хизматига кириши билан алоқодор бўлди. Айниқса аббосий халифа Маъсум даврида (218/833 й) давлат ишларида намоён бўлиши тўғридан-тўғри шаклда амалга ошди. Хусусан, Румга қарши Умурия воқиасида улар ўз хизматларини халифаликка кўрсатдилар. Тарихнинг шу кўнидан бошлаб, улар Шарқдан Ғарбга қараб бостириб келаётган, барча давлат ва амрликларни яқсон қилиб келаётган, мўғулларга қарши жанг қилиш орқали, Ғарбий Осиёда кўрина бошладилар.

Эртўғрул (680/1281 й) вафотидан кейин ўрнига унинг ўғли Усмон қолади. Усманийлар нисбати айнан шунга берилади. Ва бу усмоний подшоҳларининг биринчисидир [2:307].

Усмон ислоннинг ҳимоясида отасининг изидан юради. “Кўрча ҳисор” кўрғонини (687/1288 й) эгаллайди. Бу Рум еридаги кўрғон бўлиб, Сақория анҳорида жойлашган эди. Усмон Салжукий ҳоким Алоуддин ва мўғуллар устидан ғалаба қозонди. Натижада Усмон мустақил давлат бўлиб, “Бани шаҳр<sup>1</sup>-янги шаҳар”ни ўзига пойтахт қилиб олди. У 699 йилда “Султон” [3:310] “Усмон оиласи подшоҳи” номини олди.

Шундай қилиб Усманийлар давлати Ғарбга қараб кенгайиб борди, ҳатто Константинопол (Византия императорлигининг пойтахти Кустантиния) (1453 й) фатҳ қилинди. Ва бу шаҳарнинг номи Истанбул (Ислам бул – Тинчлик шаҳри) деб ўзгартирилди [4:312]. Шундан бошлаб оддий қабилавий муҳитдан ислон динига этикод қилувчи, сиёсий давлатга айланди. Бу фатҳ Усманийлар нуфузини яна ҳам оширди.

Юқорида айтилганидек, туркларни ислонга кириши Халифа Усмон розияллоҳу анҳу давридан бошланади. Турклар ислонга кириб, уни гўзал тарзда татбиқ этдилар. Улардан кўпчилиги ислон давлати хизматига ихтиёрий тарзда киришди, айниқса аббосий халифалик давлатида хизматлари беқиёс эди. Турклар турли ботил ақидалар авж олаётган бир пайтда ҳам ўзларининг сунний ақидаларини сақлаб қолдилар. Дарҳақиқат, Ислон туркларга яхшилик олиб келган эди. Чунки унда улар учун ҳам бошқа мусулмонлар учун ҳам манфаат бор эди. Бу Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Кустантинияни фатҳ қилишга берган башоратлари эди[5:300].

<sup>1</sup> Бану шаҳр – бир қабила номи бўлиб, Ҳижр ибн Ҳануъ ибн Азднинг авлодларидир. Ҳижозни бошқрган араб қабилаларининг аҳамиятлисидан бўлган. Худуди шимолда: Бану Амр ва Билақрун, Жанубда: Бану Асмар ва Асийр, Шарқда: Бану Амр ва Шаҳрон чўллари, Ғарбда: Баруқ қабилаларига уланган.

Давлатнинг барпо этилиши ислом давлатини бошқариб келган исломий асл низомга кўра бўлди. Аббосий халифа Ҳорун Рашид (халифалик даври 170/786-194/808 й) даврида “Қозил Қузот” (қозилар қозиси) низомларидан бир низом бўлган бўлса, Султон Усмон уни “Машихатул ислом<sup>2</sup>” (ислом шайхлари вакиллиги)га ўзгартирди. Усмонлий халифалиги шу низом устига барпо бўлди. Нимага айнан “Машихатул ислом” (Ислом шайхлари, Ислом қозилари) номи берилди, дейилса, чунки бу давлат гиаграфик жиҳатдан насроний давлатлари билан ўралган эди. Бундай муҳитда исломий ҳукм ва исломий идорадан бошқаси билан давлатни узоқ бошқариб бўлмас эди. Халқнинг онгига ва қалбига Исломнинг маҳобати ва гўзаллигини кўрсатиш эди.

Тарихий жиҳатдан ушбу вакиллик остига кирувчи “Шайхул ислом” вазифаси пайдо бўлиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Баъзилар Усмонлий халифа Мурод II даврида бу ном пайдо бўлган дейишади. Шайх Шамсиддин Фаннорий (751/1350-835/1431 й) (“Муфтий акбар – Шайхул ислом” унвонини (828/1425 йилларда) олган. Ушбу қарашни усмоний тарихчиси Мустақимзода Сулаймон Саъдуддин Афанди ўзининг “Машойихларнинг катта дарахти” номли китобида, ва яна бир усмоний тарихчиси Али Амир Афанди ҳам “Илмий солнома” номли жўрналда ёзган моқоласида “Шайхул ислом” унвони Мурод II даврида пайдо бўлганига ишора бериб кетган. Бундай унвонга сазовор бўлган илк зот Фаннорий Афанди бўлган. Бунинг илк маркази Бурса шаҳри бўлиб, у ердан Адрна шаҳрига кўчган. Сўнгра Истанбулни (эски номи Қустантиния) (1453 й) фатҳ қилгач, шу ерга ўтган.

Бу ном остида давлатни идора қилиш омили бир тарафдан давлат ишлари тузулган вақтдан дейилса, бошқа тарафдан умматни аҳли сунна вал жамоъа услубида бирлаштириш, турли фирқаларга барҳам бериш бўлган дейилади. Мисол учун Мурод II даврида турли адашган даъволар пайдо бўлган. Бу 816/1416 йилда Бадруддин ибн Този Самована Қараматий<sup>3</sup> чиқиб, мол-мулк барчаники, у ҳаммага бердек тақсамланиши керак, жаннат ва дўзах алам ва фараҳ (ҳафалик, азоб ва шодлик, роҳат) иккиси яхшилик ва ёмонликнинг натижаси бўлиб келади, деган. Яна айтганки, барча ҳаром қилинган нарсалар кўтарилган (ҳаром нарса йўқ, улар бекор қилинган), ҳар бир нарса мумкин ва ҳалолдир. Булар никоҳланишга ўз қизи ва опа-сингилларини ҳам мумкин деб даъво қилишган.

<sup>2</sup> Бу вакиллик бугунги кендаги “Мусулмонлар идораси”га, “Шайхул ислом” эса “Муфтий”га тўғри келади.

<sup>3</sup> Исмоилий фирқасидан бири бўлиб, аббосий давлатига қарши турган сиёсий фирқа бўлган. Фотимий давлатига асос солган Убайдуллоҳ Маҳдий Исмоилийларни ўзларидан ажратгач, Исмоилийлар ичидан бўлиниб чиққан. Қараматийлар ўз давлатини Баҳрайнда барпо қилган. Бу давлатга 899 йилда асос солинган ва 1077 йилда тугатилган.

Султонлик тарафидан бундайларга қатъий ҳукм ўқилиб, қатл қилинган. Ҳатто, Самована Қараматий ҳам 823/1420 йилда қатл қилинган.

Шундан бошланиб “Шайхул ислом” вазифаси усмонлий жамиятга қўшимча, исломий этиқотда, сунний кўринишда, ҳанафий мазҳабини давлат учун расмий мазҳаб қилиб олган аббосий халифаси низомига кўра юрган ҳолда, юзага чиқди. Усмонлий давлати ҳам ҳанафий мазҳабини, расмий давлат мазҳаби қилиб белгилаш орқали, турли диний ихтилофларни йўлини тўсди. Ажаб эмаски, усмонийлар ислом олами жамиятидан бўлган “Шайхул ислом” вазифасида юрган бўлса. Чунки қозилик вазифаси жамиятни бирликга, турли ихтилофларни йўқ қилишга жалб қилинади.

“Шайхул ислом” вазифаси келиб чиқиши омилига қўшимча қилиб, давлатни исломлашуви, исломни шарийъат, давлат низоми тарзида ислом аҳкомларини ушлаш бўлган. Ислом ҳар бир усмонлий султони боғланадиган муҳим нарса бўлган. Яъни султон давлатни бино қилишда Исломни асосий манба қилиб олган. Шунинг учун усмонийлар, насронийликни асосий манбаси қилиб олган ён қўшниси Европи олдида, “Шайхул ислом” ва “Ислом шайхлар муассаси”ни давлатнинг асоси қилиб олган.

Султон Усмон Ғозий даврида “Машихатул ислом” идорасидан олдин 765/1363 йилда “Аскар қозиси” низоми муҳим бўлган. Усмон даврида “Аскар қозиси” лавозимида Жондорли Халил Афанди бўлган. Бу олим илмда ва жамиятаги ўринда олий даражадаги бир шахс ҳисобланган. Шунингдек, қозиликдан бошқа ишларда ҳам хизмат қилган. “Аскар қозиси” лавозими “Машихатул ислом” идорасидан олтиман икки йил аввал таъсис этилган. Бу қозиликнинг мақсади аскар ва қўшинларнинг ҳожатларини уша вақтнинг урфига муносиб тарзида ҳал қилиб бериш бўлган.

Шу билан бирга бу қозиликнинг муҳим ишлари қуйидаги масалалар атрофида айланган:

- Таълим тизим идораси яъни, дарс бериш ва мударрислар ва усмоний қозилар тизими масаласи.
- Тинчлик ва уруш вақтида қўшин ва аскарларнинг турли ҳожатларини ечиб бериш.
- “Машихатул ислом” вакиллиги таъсис қилинишидан олдин усмоний давлатининг идорий ва сиёсий фатволарни чиқариш кабилар.

Шу ишларга кўра, ҳолат “Машихатул ислом” идорасига ҳожат сезган. Усмоний сулотонлар бу идорани ўзларига яқин қилиб пойтахтга жойлашган. Бу идоралар билан барча усмоний давлатига тегишли вилоятлар, шаръий ва шаръий

фатво ҳамда ҳукмларга тегишли масалаларда алоқа боғлаб турган. Бу идора токи усмоний давлати (1341/1922 й) тугагунгача давом этган.

Юқоридаги тарихдан маълум бўлдики, исломий сиёсий низом каби усмоний давлати ҳам тугатилди. Давлат олти асрдан кўпроқ ҳукмронлик қилди. Давлат низоми охириги султон Муҳаммад Воҳидхон даврида ниҳоя топди. Бу билан бирга бошқа идоралар ҳам поёнига етди.

“Машихатул ислом” идорасида “Шайхул ислом” лавозимида 131 та шайх хизмат қилди. Уларнинг энг биринчиси Шайх Муҳаммад Шамсиддин Фаннорий Афанди (1424-130) (баъзи манбаларда биринчи шайх Шайх Идох Болий (Адиб Али 1246-1326) [6], [7:133]) бўлган. “Машихатул ислом” идорасининг сўнгиси Мустафо Собрий Афанди (1920 й) дейилган бўлсада, “Шайхул ислом” унвонига эга бўлган охириги шахс Маҳмуд Нурий Маданий Афанди (1920-1922 й) (Меҳмет Нури Медени) ва унинг сўнги вакили Муҳаммад Зоҳид Кавсарий бўлган [8].

Шу 131 та шайхул исломдан фақат тўққизтаси туркий бўлмаган холос. (яъни булар, араб, босния, грузин, черкес ва албан бўлган).

Султон Салим I даврида (1512-1520 й) шайхул исломдан Аҳмад ибн Камол Пошога “Муфтий сақолайн” (инсон ва жинлар муфтиси) унвони берилган [9].

Ушбу идора 1920 йилда Анқарада ташкил этилган ҳукуматнинг Олий Мажлис кенгашида “Шариъат ва Авқоф” вазирлиги номи остида “Вазирлик” сифатидан жой олган. “Туркия Республикаси” деб эълон қилинганидан кўп ўтмай, 1924 йилда “Дунёвелик” тамойилининг қабул қилиниши билан бу вазирлик тугатилиб, ўрнига “Дин ишлари бўйича раислик” ташкил этилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, усмоний давлатини бошқаришда, унинг ривожиди, турли муоммоларни ҳам сиёсий, ҳам шаръий жиҳатдан ҳал қилишда асосий рўл ўйнаган. Тўғри баъзи султонлар кўп ҳолларда фақат ўз манфаати учун, айшу-ишратда яшаган бўлсада, шундай бўлса ҳам “Машихатул ислом” идораси ўз нуфузини йўқотмаган. Оддий халқдан тортиб, юқори мансаб эгасининг муоммоларини ҳам кўриб чиқиб, уларга яраша ҳукм чиқариб келган. Давлат ривожланиши албатта, шариъатга тўлиқ қилишда бўлиб келган. Бугунги кундаги “Мусулмонлар идораси”, “Диний кўмита” каби давлат идоралари ва “Муфтий” ҳамда “Азҳари шариф шайхи” каби лавозимлар, уша даврдаги “Шайхул ислом”, “Аскар қозиси” кабиларга тўғри келади.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар:**

1. Абдулкарим Самакнинг 2014/3/22 “wikipediya”га қўйган мақоласи.
2. Шайх Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Ж. 2. 2-ж. Тошкент: 2017. Ҳилол Нашр. –Б 306-307.
3. Шайх Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Ж. 2. 2-ж. Тошкент: 2017. Ҳилол Нашр. –Б 306-307.
4. Шайх Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Ж. 2. 2-ж. Тошкент: 2017. Ҳилол Нашр. –Б 310.
5. Шайх Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Ж. 2. 2-ж. Тошкент: 2017. Ҳилол Нашр. –Б. 312.
6. Шайх Муҳаммад Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Ж. 2. 2-ж. Тошкент: 2017. Ҳилол Нашр. –Б 300.
7. Zuhuri Danishman. Osmonli Imperatorlug‘u. Istanbul: 1966.
8. Ҳассон Ҳаллоқ ва Аббос Саббоғ. Ал-мўжамул жомеъ фил мустолаҳатул айюбия вал мамлукия вал усмония. Байрут: 1999. Дорул илм лилмалайийин. –Б. 133.
9. Усмоний давлатида “Шайхул ислом” унвони.